

Исломофобия Буюк Британияда расман жиноят деб тан олинади



11:05 / 29.11.2018 2575

Европада исломофобияни жиноят сифатида тан олиш борасида муҳим қадам ташланди. Маълум бўлишича, ўтган кунларда исломофобия ҳақидаги ҳисобот Буюк Британия парламентида тақдим этилган. Агар ҳисобот қабул этилса, исломофобия ирқчиликка дахлдор жиноят деб ҳисобланади, деб хабар беради TRT News.

Расмий Англия парламентидаги бир гуруҳ депутатлар исломофобиянинг ҳақиқий таърифни беришни талаб қилиб, уни ирқчилик жинояти, деб ҳисоблаб келадилар. Ҳозирда худди шу мазмундаги ҳисобот парламентга тақдим этилган.

Киритилган ҳисоботда, шунингдек, муаммонинг бартараф этилишида мусулмон жамоалари бошқа гуруҳларга қараганда жиддийроқ кураш олиб бораётгани алоҳида таъкидланган.

Ҳисоботни тақдим этган депутатлар, уни ҳимоя қилишда исломофобиянинг жамиятга етказадиган ҳалокатли таъсирлари ҳақида ҳам гапирдилар.

Тақдим этилган ҳисоботга овоз бериш келгуси ҳафтада ўтказилиши кутилмоқда.

Islom.uz портали тахририяти